

*Андижон Давлат университети қошидаги  
Ўзбекистон тарихини ўқитиш  
услубий маркази*

*Андижон вилояти тарихчилар жамияти*

Сайфиддин ЖАЛИЛОВ

# ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

(Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи  
ходими Каримжон Исмоиловнинг педагогик  
тажрибалари хусусида)

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA»  
очиқ акциядорлик жамияти  
2005

Масъул муҳаррирлар: Абдурашид Абдурахмонов  
Ҳамидулло Қобулов


Тақризчи: тарих фанлари номзоди,  
доцент Одилхон Ниёзов

**Жалилов С..**

**Ўз касбининг фидойиси** - Андижон, «Andijon nashriyot-matbaa»  
ОАЖ, 2005. 48 бет.

Ушбу мўъжаз китобчада фидойи муаллим Каримжон Исмоиловнинг тарих фанини ўқитиш борасидаги кўп йиллик тажрибалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобча умумтаълим мактаблари, лицейлар ва коллежларнинг тарих фани ўқитувчилари учун мўлжалланган.



10

Андижон вилоятининг  
З. М. Бобур номли кутубхонаси  
74.6.  
Ж-24.

© С.Жалилов 2005.  
© «Andijon nashriyot-matbaa»  
ОАЖ, 2005

1031169  
0 91

## СЎЗ БОШИ

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ёшлар онгини шакллантиришда гуманитар фанлар, айниқса, тарих фанининг ўқитилишига катта эътибор берилган. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Миллий истиқлол вояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг барча таълим муассасалари ўқув режаларига киритилиши ҳам ана шу эътиборнинг яна бир исботидир.

Бизнинг мураккаб давримизда эркин ва мустақил фикрлайдиган, дунёдан, унинг ўтмишию, бугунидан огоҳ бўлиб яшайдиган, ўз халқи ва ватанини чин дилдан севадиган инсонлар авлодини вояга етказиш талаб қилинади. Президентимиз айтганларидек, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз. Ушбу хайрли ва, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифани бажаришда мактаблардаги тарих дарсининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Тарихни яхши билмай туриб, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. «Тарихий хотираси бор инсон - урдалди инсон» (И. Каримов).

Ёшларимизнинг тарихий хотира кўзини очиш йўлида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилган фидойи педагогларимиздан бири Каримжон Исмоиловдир.

У ўзининг бутун меҳнат фаолияти давомида ижодий изланиб, дарс беришнинг илгор услублари ва шаклларида самарали фойдаланди, илмий ва назарий

малакасини бойитиб, амалиётга моҳирлик билан қўллай олди. 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўқитувчилик касбини улуғлаб, педагогикани услубий жиҳатдан юқори погоналарга кўтаришга ўз ҳиссасини қўшди.

«Ўқитувчилик касбини ким қандай баҳолайди, ўзи билади, аммо мен уни энг фахрли, энг ҳалол касб, деб ҳисоблайман», - дейди Каримжон Исмоилов ёшлар билан суҳбатда. - Бу касб менинг қон-қонимга сингиб кетган».

К. Исмоиловнинг билими, қобилияти ва ташкилотчилигини эътиборга олиб, бир қатор масъулиятли лавозимларга: республика «Билим» жамиятига, ўрта мактаб раҳбарлигига ва бошқа турли лавозимларга таклиф этганларида ҳар сафар ишонч билдирганликлари учун миннатдорчилик изҳор этиб, оддий ўқитувчиликда қолдиришларини сўрарди. Ўз инсоний истеъдодини шу касбдаги ҳалол меҳнати билан намоён қила олишига ишонарди.

Каримжон Исмоилов таълим-тарбиянинг оптимал йўлларини эринмасдан қидирди, шаҳарда биринчилардан бўлиб намунали тарих хонасини ташкил қилди ва уни янги ўқув дастурига мослаб жиҳозлади.

Мазкур рисола тарих ўқитувчиси, меҳнат фахрийси Каримжон ҳожи Исмоиловнинг самарали меҳнат фаолиятига бағишланган. Кекса муаллимнинг педагогик маҳорати сирларини очиб бериш рисоланинг бош мақсадидир. Ушбу китобча, асосан, умумтаълим мактабларининг ёш тарихчи ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, уларнинг ёш авлодни тарихимиз орқали тарбиялашдек эзгу меҳнатларида кекса педагогнинг кўп йиллик иш тажрибалари, албатта, асқотади, деб умид қиламиз.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими,  
фахрий муаллим Каримжон Исмоилов.

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Каримжон Исмоилжон ўғли Андижон вилоятининг Ўрта Шаҳрихон қишлоғида 1930 йил июль ойида таваллуд топган. Отаси мулла Исмоилжон ўз даврининг илмли одамларидан бўлган. У ер-сувли, ўзига тўқ оила бошлиғи эди. Мулла Исмоилжон ўша алғов-далғов йилларда барча мулкини ўз ихтиёри билан давлатга топширган. Аммо, шунга қарамай, «қулоқ» қилинган. 1933 йили уй-жойларини ташлаб, ҳозирги Пахтаобод туманига келиб, яшириниб юришга мажбур бўлган. Мулла Исмоилжон бутун ер-мулкини, уй-жойини ўз ихтиёри билан давлатга топширганлиги учун совет ҳокимияти вакиллари уни таъқиб этишмаган. Исмоилжон Пахтаобод туманида яшаб, 1963 йили вафот этган.

Каримжон 7 йиллик таълимни Пахтаободда олиб, 1952-1956 йиллари Андижон педагогика билим юртида ўқийди. Уни имтиёзли диплом билан тугаллаб, Жалолқудуқ туманининг Тешиктош қишлоғидаги ўрта мактабга ишга юборилади.

Каримжон 1957 йили Фарғона педагогика институти тарих факультети сиртқи бўлимига ўқишга киради. Институтни имтиёзли битириб, қишлоқда эътиборли ўқитувчи бўлиб қолади. К.Исмоиловнинг педагогик фаолияти 1970 йилдан Андижон шаҳрида давом этади. Деярли 35 йил давомида 29-ўрта мактабда тарих ва жамиятшунослик фанларидан дарс берди.

Шу давр ичида Андижон педагогика институти тарих факультети билан ҳамкорлик қилиб, услубчи педагог сифатида талабалар билан ҳам ишлайди. Бир вақтнинг ўзиде Андижон ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳам услубчи педагог сифатида малака оширувчиларга тарих

фанининг долзарб мавзулари бўйича дарс бериш борасидаги ўз тажрибаларини ўргатди.

Каримжон Исмоилов ўз касбига сидқидилдан муносабатда бўлиши туфайли шаҳар ва вилоят маориф ходимлари орасида катта обрў-эътибор қозонди. У тез орада ёш ўқитувчиларнинг яқин маслаҳатгўйи ва мураббийси бўлиб қолди. Шу сабабли Каримжон Исмоилов шаҳар ва вилоят миқёсидаги халқ маорифи ишлари бўйича ташкил қилинган услубий ҳамда маслаҳат комиссиялари ишига жалб қилинди ва кўплаб услубий-назорат ишларида сидқидилдан иштирок этди. Шунингдек, қўшни Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод вилоятлари маорифчилари билан ҳамкорлик қилди.

Каримжон Исмоиловнинг жамоатчилик ишларидаги фаолияти ҳам таҳсинга сазовордир. Уни халқ маорифи бўйича турли юқори лавозимларга ишга таклиф қилишди, лекин домла ёшлар орасида бўлишни, уларга она Ватан тарихидан таълим беришни афзал кўрди, таклиф қилинган лавозимларга бормади.

«Мен тўғри йўлдан бордим, - деб ёзади Каримжон, - шунинг учун катта обрўга эга бўлдим, иш фаолиятим давомида йилма-йил муттасил равишда турли моддий ва маънавий мукофотларга, унвонларга сазовор бўлдим. Мен ишлаётган жамоам, мактабим, шаҳар, вилоят ва республика халқ маорифининг раҳбарияти камтарона педагогик ишларимни ўз вақтида юксак баҳолаб, турли орден, медал ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади. 1992 йил 29 августда Президентимиз муҳтарам Ислам Каримов Фармони билан менга «Хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» деган фахрий унвони берилди».

Каримжон ҳозир нафақада бўлса ҳам шогирдлари ва ҳамкасблари билан алоқани узмайди, уларнинг йиғинларида тез-тез қатнашиб туради. 1993 йили биринчи марта муборак ҳаж сафарига бориб, фарз амалларини адо этиб келди.

Каримжон ҳожи Исмоилов маҳалладаги ардоқли инсонлар қаторида. У киши олти фарзанд ўстирди. Ўғиллари: Аҳмадулло - олий маълумотли ҳуқуқшунос, Бахтиёржон - тарихчи бўлиб тарбияландилар, уч қизи олий маълумотли, барчаси уйли-рўзгорли бўлишган, отахон ҳозир 21 невара ва 4 чеваранинг бобосидир.

## КАРИМЖОН ҲОЖИ ИСМОИЛОВ БИОГРАФИЯСИДАГИ ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ ВОҚЕАЛАР

\* 1970-1993 йиллар давомида умумтаълим мактабида фаолият кўрсатиш билан бир вақтда Андижон педагогика институтида, Халқ хўжалиги институти филиалида, Андижон ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳам соатбай ишлади.

\* 1975 йилда вилоят халқ таълими бўлими томонидан Каримжон Исмоиловнинг иш тажрибаси ўрганилди ва катта расмли кўргазма-плакат чиқарилиб, вилоятдаги барча мактабларга тарқатилди, тажрибаси оммалаштирилди ва унга «Энг намунали тарих фани ўқитувчиси» деган ном берилди.

\* 1977 йил 12 декабрда 29-ўрта мактабнинг 50 йиллик юбилейи муносабати билан К. Исмоиловга «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси» фахрий унвони берилди.

\* 1976-1981 йилларда вилоят тарих ўқитувчилари ўртасида олиб борган услубий ишлари учун вилоят халқ таълими бўлими томонидан «Методист ўқитувчи» деган унвон берилди.

\* Каримжон Исмоилов педагогик фаолиятидаги мутасил изланишлари учун 1988 йил 5 мартда «СССР халқ маорифи аълочиси» деган унвон билан тақдирланди.

\* 1991 йили «Олий тоифадаги ўқитувчи» даражасига кўтарилди.

\* 1992 йил 28 июлда «Ўзбекистон мустақиллиги» медали билан мукофотланди ва шу йили унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий унвони берилди.

\* 1993 йили пайғамбар ёшига тўлиши муносабати билан «Халқ таълими фидойиси» фахрий унвонига сазовор бўлди.

\* 1994 йили Исмоиловлар оиласи «Энг намунали оила» кўрик-танловининг маҳалла, шаҳар ва вилоят босқичларида ғолиб деб топилди.

\* Шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўқувчиларнинг тарих фани бўйича олимпиадаларини



ташқил этиш борасидаги хизматлари учун 60 дан ортиқ мақтов ёрлиқлари билан мукофотланган. Бир неча марта ўқувчиларнинг тарих фани бўйича республика олимпиадасида ҳайъат аъзолигига сайланган. К.Исмоиловнинг изланишлари туфайли 29-мактаб ўқувчилари республика олимпиадасида бир неча бор қатнашиб, совринли ўринларни олишган.

\* 1993 йилда ўрта мактабларнинг IX-XI синфларига мўлжалланган «Ислому одоби ва ахлоқи» мавзусидаги 34 соатлик дастурни яратишда иштирок этган.

\* Каримжон Исмоиловнинг оиласи маҳаллада кўплаб хайрли жамоатчилик ишларида фаол қатнашиб келади. Жумладан, ушбу оила аъзолари маҳалла кўчасига асфальт ётқиздирган, 300 хонадонни газлаштиришда ташаббускорлик қилган, Андижонсой бўйида чойхона қурдирган. Шунингдек бошқа жуда кўп хайр-эҳсон ишларида шахсий маблағи билан фаол қатнашган.

\* Вилоят халқ таълими фаолларига бағишлаб 2002 йили нашр этилган «Таълимга бахшида умрлар» китобида К. Исмоилов фаолияти ҳам кенг ёритилган.

## **КАРИМЖОН ДОМЛАНИНГ ИШ ТАЖРИБАСИ - ЁШ ПЕДАГОГЛАРГА САБОҚДИР**

Машҳур инглиз педагогика назарийчиси ёш ўқитувчиларга қарата шундай деган эди: «Хурматли ёш педагоглар! Сизлар дарс бераётганингизда шижоатли ҳаракат билан тушунтиринг. Чунки ўқувчилар айтган ва айтилганларга қараганда қилган ва қилинган ҳаракатларни яхши эсда сақлайдилар».

Каримжон Исмоилов дарс беришга шу нуқтаи назардан ёндашарди. Домла дарсларга ҳеч қачон «Ўтдингми-ўтдим» қабалида юзаки қарамаган, хоҳ жамиятшуносликдан, хоҳ жаҳон тарихидан бўлсин - домла ҳар бир дарсни ана шу маслаҳатга риоя қилган ҳолда ўтарди.

Дарҳақиқат, ўқувчига ҳаракат билан тушунтирилган тарихий воқеалар хотирада яхши сақланади, тингловчининг тасаввурида муҳрланиб қолади. Чунки ўқувчида

эшитиш-тинглаш хотирасига қараганда кўриш хотираси кучли бўлади. Тарих дарсини ўтишда ўқитувчи ўсмирларнинг мана шу табиий хусусиятига эътибор қилган.

К. Исмоилов тарих дарсларини ўтишни илмий асосда режалаштириб оларди. Тарих дарсларининг турлари, услублари, тарих фани хонасининг жиҳозланиши, тарих дарсларида ўқувчиларни баҳолаш мезонлари, тарих дарсларини кўргазмали қурол билан ўтиш каби масалалар доимо диққат марказида бўларди.

Каримжон Исмоилов дарсларни таълим тизимидаги ислохотлар талаблари даражасида ўтишга интилиб келган. У замонавий тарих дарсининг «Хаёлий экскурсия», «Конференция», «Семинар-синов», «Умумлашган», «Яқунловчи-такрорлаш дарси», «Ким кўп билади?», «Ким? Қачон? Қаерда?» каби ранг-баранг шаклларида самарали фойдаланиб дарс ўтарди.

Домладан таълим олган ўқувчилар шаҳар ва вилоятда ўтказилган тарих фани олимпиадаларида муттасил равишда ғолиб чиқишган. Айрим ўқувчилари республика олимпиадасида ҳам биринчиликни эгаллашган.

Унинг амалий иш тажрибасини ўрганиш мақсадида 29-ўрта мактабга Андижон педагогика институтининг тарих факультети талабалари доимий равишда педагогика амалиёти ўтказишга келишарди. Шунингдек, шаҳар мактабларининг ёш тарих ўқитувчилари ҳам бу ерга тез-тез ташриф буюриб туришарди. Домла 1970 йилдан бошлаб вилоятда ва республика анъанавий педагогик ўқишларида ўз чиқишлари билан иштирок этди. 1990 йили республика ўқитувчилари анжуманида қатнашди. Ундан илгари эса Бутуниттифоқ тарих ўқитувчилари анжуманига делегат этиб сайланган эди.

Каримжон Исмоилов ҳар доим тарих дарсларини ўқитишдаги долзарб масалаларда ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашиб ишлади. Узоқ йиллар Андижон шаҳар халқ таълими бўлимида тарих ўқитувчиларининг услубий кенгашига раҳбарлик қилиб келди. Ўша йилла-

ри шаҳар тарихчи педагогларининг ўзаро тажриба ал-  
машуви анча яхши йўлга қўйилган эди.

У вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институ-  
тида ўз касбидан узоқ йиллар дарс берди. Вилоят педа-  
гогика жамиятида ҳам жамоатчилик асосида дурустгина  
фаолият кўрсатди. Бу ташаббускор ўқитувчининг иш  
тажрибаси вилоят миқёсида ўрганилиб, умумлаштирил-  
ди ва махсус кўргазма-плакат тарзида вилоят тарих  
ўқитувчилари орасида оммалаштирилди.

Домла Каримжон Исмоилов мустақиллигимизнинг  
дастлабки йилларида «Ўзбекистон халқлари тарихи»,  
«Вилоят тарихини ўқитиш усуллари ва уларни такомил-  
лаштириш» дастури устида иш олиб борди.

Каримжон Исмоиловдан тарих фанини ўрганган 20  
дан ортиқ шогирдлари унинг касбини танладилар, олий  
маълумотли тарих ўқитувчиси бўлиб етишдилар.

Домла уларга эринмасдан тарих фанини  
ўқитишдаги ўз тажрибасини ва ўзи синовдан ўтказган  
илғор услубларни қўнт билан ўргатиб келди.

## **ТАРИХ ВА ЖАМИЯТШУНОСЛИК ДАРСЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ**

Каримжон Исмоиловнинг педагогик фаолиятига  
«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари дара-  
жасидан қараганда унинг иш тажрибаси ҳамон эскирма-  
ганини кўрамиз. У ўрта мактабларда тарих ва жамият-  
шunosлик фанларини ўқитишда қуйидаги дарс турлари-  
дан фойдаланганки, булар ҳозир ҳам ўқитувчиларга  
асқотиши шубҳасиз:

1. Кириш дарси.
2. Янги мавзуларни баён қилиш дарси.
3. Аралаш дарс.
4. Умумлаштириш дарси.
5. Такрорлаш дарси.
6. Семинар-дарс.
7. Мунозарали дарс.
8. Мушоира ёки баҳслашиш дарси.

9. Ёзма иш дарси.
10. Экранлаштирилган дарс.
11. Матбуот конференцияси дарси.
12. Ўз-ўзини бошқариш дарси.
13. Беллашув дарси.
14. Таянч сигналли дарс.
15. Саҳналаштирилган дарс.
16. Хаёлий экскурсия дарси.
17. Харита бўйлаб экскурсия дарси.
18. Умумий экскурсия дарси.
19. Илмий-бадий конференция дарси.

Домла Каримжон Исмоиловнинг фикрича, ушбу дарс турларининг ўринларини тез-тез ўзгартириб туриш, «трафарет» деб аталган зерикарли бир хилликка берилмаслик керак. Шундагина ўқувчиларнинг дарсга қизиқиши ортиб боради ва билими чуқурлашади.

*Энди юқоридаги дарс турларига қисқача тўхталиб ўтамиз.*

**1. Кириш дарси.** Ҳар бир синфда ушбу дарс тури янги ўқув йили бошланганида янги дарсликлар билан таништириш пайтида ўтилади. Масалан, 11-синфда «Инсон ва жамият» дарси асосида, шунингдек, «Ўзбекистон тарихи», «Энг янги тарих» дарсларининг бошланиш қисмида кириш дарсини бир соатдан уч соатгача ўтиш ёки барчасини қўшиб бир ярим соатга келтириш ҳам мумкин. Шунингдек, бошқа синфларда ҳам кириш дарси ташкил қилинади.

Кириш дарсларида янги дарслик, ундаги ўзгаришлар ва янги мазмуни, дарсликдан фойдаланиш тартиби тушунтириб берилади.

Шунингдек, бошқа фан дарсларида ҳам шунга ўхшаш тушунтиришни ўтказиш мумкин. Умуман, кириш дарси ўқув йилининг бошида, ёки янги чиққан дарсликдан фойдаланиш олдидан ўтилади. Каримжон Исмоилов ўз тажрибасида узоқ йиллар бу дарс услубидан фойдаланиб келган.

**2. Янги мавзуларни баён қилиш дарси.** Домла К. Исмоилов тажрибасида бу дарс кириш дарсидан кейин,

ёки катта-яхлит бир мавзуни бошлаш олдидан ташкил қилинади. Янги мавзуни баён қилиш дарсида ўқитувчи маъруза ёки суҳбат усулларида фойдаланади. Бу дарсда ўқувчилар билимини баҳолаш шарт эмас. Янги мавзуга бағишланган дарс иккита-учта бўлим-параграфлар муҳокамаси (обзор) тарзида ўтилса, Каримжон Исмоилов фикрича, дарс қизиқарли бўлиши мумкин.

Масалан, биринчи жаҳон уруши ёки иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, урушдан кейинги тинч қурилиш йиллари, шунингдек, маданият мавзусини ўтиш олдидан баён қилиш дарсини қўллаш мумкин.

**3. Аралаш дарс.** Бу дарс энг кўп қўлланиладиган дарслардан бўлиб, унинг таркибида бир неча қисмлар мавжуд бўлади. Масалан, ташкилий қисм, баён қилиш қисми, мавзуни хулосалаш ва ўқувчилардан сўраш қисмлари. Ушбу дарсда ўқитувчи дарс ўтишнинг бир неча хил услубларидан фойдаланади. Зеро, дарснинг бу тури энг муҳим, ўзак қисм ҳисобланади.

**4. Умумлаштириш дарси.** Бу дарс маълум бир катта мавзу ўтиб бўлингандан сўнг ташкил қилинади. Масалан, ўқув дастури бўйича 6-8 ёки ундан ортиқ соатга мўлжалланган катта мавзу - яхлит бир бўлак ўтиб бўлингандан кейин ўқитувчи бир соатлик умумлаштириш дарсини ўтиши мумкин. Бу тажрибада яхши натижалар бергани маълум. Бу дарсни ўтиш олдидан ўқитувчи катта мавзуни қамраб олган бир нечта савол тузиб олиши лозим. Ана шулар асосида ўқувчилар билан савол-жавоб қилиш орқали мавзуга умумий яқун ясалади ва хулоса чиқарилади. Бу дарсда ўқитувчи шуни ёддан чиқармаслиги лозимки, яқунда, албатта, ҳозирги замонга боғлиқ ҳолда хулоса чиқармоғи лозим.

**5. Такрорлаш дарси.** Бу дарсдан ўқитувчи маълум мавзуни ўтиб бўлгандан кейин фойдаланади. Ҳар чоракнинг якуний қисмида ҳам такрорий дарс ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Такрорлаш дарсида ўқитувчи ўқиш жараёнида нисбатан кам баҳо олган ўқувчиларга синов саволлари бериб, уларнинг олган баҳоларини умумлаштиради ва яку-

ний баҳо чиқаради. Бу дарсда янги мавзу ўтилмайди ва ўтилган мавзулар ўқувчиларга лўнда қилиб, ҳаётий, замонавий мисоллар билан тушунтирилади.

**6. Семинар-дарс.** Ўқитувчи маълум мавзу ёки бирон катта бобни ўтиб бўлганидан сўнг, агар лозим топса, ўтилган ўша бобга дахлдор мавзулар юзасидан савол-жавоб, яъни ўзига хос семинар ташкил қилади. Бунинг учун ўқитувчи олдиндан саволлар тузиб, ўқувчиларга тарқатади, ёки дарслардаги маълум параграфларни ўқиб-ўрганиб келишни буюради. Берилган ҳар бир савол муҳокамасида бир неча ўқувчи қатнашиши мумкин. Сўнгра ўқитувчи хулосалайди. Бундай семинар-дарсда фаол қатнашган ўқувчиларнинг барчасини рағбатлантириш учун баҳо қўйиш тавсия қилинади ва шу билан ўқувчиларнинг тарих дарсига иштиёқи ортиб боради.

**7. Мунозара дарси.** Бундай дарс ўрганилган мавзу юзасидан ҳам, ўрганиладиган янги мавзу юзасидан ҳам ўтилиши мумкин. Бу дарс ташкил қилинган мунозарадир. Шу сабаб уни ўқитувчининг ўзи ёки синфда нуфузи бор ўқувчилардан бирортаси олиб бориши ҳам мумкин.

Бунда саволларни ўқитувчи кимгадир беради ёки ўқувчилардан бирортаси ўртага ташлаши ҳам мумкин. Берилган ёки ўртага ташланган ҳар бир савол моҳияти барча ўқувчилар иштирокида атрофлича кенг муҳокама қилинади, сўнгра якуний хулоса чиқарилади. Бу дарсда ўртага савол ташлаган ўқувчини маънавий рағбатлантириб қўйиш муҳимдир. Бу - дарсларда ўқувчилар фаоллигини оширишда муҳим омил бўлиши мумкин.

Ниҳоят, ўқитувчи мунозара дарси охирида ўтилган мавзунини белгиланган саволлар атрофида якунлаб, ўз фикрини айтиб, хулосалайди. Мунозарада фаол қатнашган ўқувчиларнинг билими баҳоланади ва дарсда мана шундай фаолликнинг аҳамияти борлигига эътибор қаратилади.

**8. Мушоира ёки баҳслашиш дарси.** Бундай дарслар жуфт (параллел) синфларда ўқитувчининг танлови

билан қилинади. Масалан, 11-«А» ва 11-«Б», ёки 10-«А» ва 10-«Б» (ва ҳоказо) синфлар ўртасида ўтказилади. Мушоира-баҳслашиш дарсида ҳайъат аъзолари сайланиб, унга ўқитувчилардан, ёки дарсда қатнашаётган ҳар иккала синф ўқувчиларидан танлаб олиниб, икки гуруҳ ташкил қилинади. Ўртага ташланадиган саволлар олдиндан тайёрлаб қўйилади ва бир неча кун олдиндан ҳар иккала синф ўқувчиларига ёзма равишда эълон қилинади. Баҳслашиш дарсида фан ўқитувчиси холис кузатувчи бўлиб туради. Олдиндан эълон қилинмаган саволлар ҳам бўлиши мумкин, саволни ўқувчиларнинг ўзлари бир-бирларига беради. Ҳар иккала гуруҳдан муҳокама-мунозарада фаол қатнашган ўқувчилар билими холис баҳоланади ва эълон қилиниб, иштирокчиларнинг тасдиқ қарсақлари билан рағбатлантирилади. Ниҳоят, дарс сўнггида ғолиб ўқувчилар мукофотланади.

**9. Ёзма иш дарси.** Бу дарсни ўқитувчи ўз хоҳишига кўра ҳар чорак охирида бир марта ёки бир ўқув йилида икки марта ўтказиши мумкин. Айниқса, жамиятшунослик ва ҳуқуқшунослик дарсларини яқунлашда, ўқувчиларнинг чорак баҳосини чиқаришда ва уларнинг ўқув жараёнида фаол иштирок қилиб олган баҳоларини кўпайтиришда ёзма иш дарси яхши қўл келади. Ўқитувчи маълум боб ёки мавзу юзасидан олдиндан саволлар тузиб келади ва дарс олдида ўқувчиларга ёздириб қўяди. Саволлар маълум мавзу ва режа асосида тузилиши керак. Уларга қандай жавоб ёзишни ўқитувчи олдиндан мисол тариқасида битта ёки иккита саволга жавоб ёзиб ўргатади, қолганларига жавобни уйда мустақил равишда ёзиб келишлари учун ўқувчиларга вазифа қилиб топширади.

Ушбу ёзма вазифани бажариш учун ўқувчиларга камида бир ҳафта муҳлат берилади. Белгиланган муҳлатдан сўнг ёзиб келинган ишлар йиғиб олинади. Диққат билан танишиб чиқилгач, улар мазмунига кўра баҳоланади ва баҳолар журналга ёзиб қўйилади. Саволларга жавоб ёзишда синфдаги барча ўқувчилар қатнашиши ва баҳоланиши шарт. Саволларга жавоб ёзишдан бош тортган ўқувчиларга қониқарсиз баҳо

қўйилади. Бундай ёзма иш дарси ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва фикрини ёзма баён қилишга ўргатади.

**10. Экранлаштирилган дарс.** Ушбу дарсга бўш вақтда пухта тайёргарлик қўрилади. Бу дарс давомида иккита ёки тўртта ўқувчи ўқитувчига ёрдамчилик қилади. Бир дарснинг ўзида турли хил техника воситаларидан кенг фойдаланишга эришилмоғи лозим. Барча нарса ва суратларнинг тасвири доскага ўрнатилган ягона экранга туширилади. Экрандаги тасвирларни иложи борича ўқувчиларнинг ўзлари изоҳлаб беришлари зарур. Сўнгра дарс охирида ўқитувчи изоҳларни тўлдиради ва яқунлайди.

Экранлаштирилган дарс такрорлаш, умумлаштириш ёки алоҳида ўтиладиган бир соатлик янги дарсда ҳам қўлланиши мумкин. Барчаси мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда уюштирилади. Дарснинг 30-35 минути техника - экрандан фойдаланилган ҳолда ўтилади. Қолган вақтда ўқитувчи томонидан хулосаланади ва бундай дарснинг ўзлаштиришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилади.

**11. Матбуот конференцияси дарси.** Бу дарс кўпроқ халқаро аҳволга, мамлакатимиз ичкарасидаги иқтисодий ҳаёт ҳамда ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган анжуманлар, муҳим тарихий саналар, шунингдек, айрим буюк шахсларга бағишланган тадбирлар асосида ташкил қилинади. Конференция ўтказиш олди-дан ўқувчилардан 2-4 таси танлаб олинади. Шу танланган ўқувчилар столда қатор ўтириб, ўқувчилар томонидан берилган саволларга навбат билан жавоб берадилар, сўнгра бир-бирларининг фикрини тўлдирадилар. Савол-жавоб вақтида ўқитувчи фақат кузатувчи бўлиб ўтиради, ўқувчиларнинг сўзларини бўлмади. Охирида мунозарага яқун ясайди ва дарс моҳиятини тушунтиради.

Конференция сўнгида уни олиб борган ўқувчиларни илҳомлантирувчи сўзлар билан меҳнатларини тақдирлайди ва барча қатнашганларга миннатдорчилик билдиради.




**12. Ўз-ўзини бошқариш дарси.** Бу дарсни ўтишда ўқитувчи қатнашмасдан фақат кузатувчи бўлиб ўтиради. Ўқувчилардан бирортаси ихтиёрий равишда ёки танлаб олинади. Дарсни ким ўтиши бир неча кун аввал аниқлаб қўйилади ва танланган ўқувчининг «дарс ўтишга» тайёрланишида ўқитувчи унга атрофлича маслаҳат ва ёрдам беради. Дарс ўтиш белгиланган кунда ўқувчи бир соатлик дарсни мустақил олиб боради.

Дарс ўтиш жараёнида ўқитувчи синф хонасининг охириги партасида кузатувчи бўлиб ўтиради. Бир соатга мўлжалланган дарсининг ҳамма қисмини ўқувчи мустақил равишда билганича олиб бориб, сўнгида савол-жавобларда қатнашган ўқувчилар билимини баҳолайди, кундаликларига ҳам ёзиб қўяди. Аммо синф журнаliga ўқитувчининг ўзи ёзади ва имзо чекади. Дарс охирида (яъни танаффусдан 2-3 дақиқа олдинроқ) дарс хулосаланиши керак. Мустақил дарс ўтган ўқувчи билими ва синфда ўзини тута билишига қараб «аъло» ёки «яхши» баҳо билан баҳоланади. Дарсининг ушбу тури, хусусан, юқори синф ўқувчиларида педагогикка хос туйғуни уйғотишда муҳим аҳамиятга эга.

**13. Беллашув дарси.** Бу устоз билан шогирдларнинг ўзаро беллашувидир. Бу дарсни ўзига, ўз билимига ишонган, мустақил фикрлайдиган ўқитувчи ўтказди. Ўқувчиларни ҳам дарсга қизиқтириш лозим, негаки, дарс жараёнида устоз-шогирд «беллашади». Агар ўқитувчи ўзига ишонмаса, бу усулдаги дарсда унинг обрўсига путур етиши мумкин. Ўқувчи табиатан қизиқувчан, кузатувчан бўлади. Шунинг учун улар дарс жараёнида ўқитувчи ҳолатини кузатиб ўтирадилар.

Дарсининг бориши қуйидагича бўлади: дарс 2-3 кун аввал ўқувчиларга эълон қилинади. Ўтиладиган мавзу аниқланиб, уйда ўқиб-ўрганиб келиш тавсия этилади. Ушбу дарсга ўқувчилар ҳам, ўқитувчи ҳам пухта тайёрланади. «Чек ташлаш» асосида беллашувни ким бошлаши аниқланади. Ўқувчилар бир тараф, ўқитувчи иккинчи тараф бўлиб, саволлар навбати билан томонларга берилади.



*Мисол:* Ўқитувчи битта савол беради, унга ўқувчилардан биттаси жавоб беради. Зарурат туғилса, сўнгида ўқитувчи тўлдиради, шу билан битта савол якунланади. Кейинги саволни ўқитувчига ўқувчилар беради. Агарда, савол берган ўқувчи ўқитувчининг жавобидан қониқмаса, бошқа ўқувчилар уни тўлдиради. Шу тарзда дарс бир соат, яъни 40 минут давом этади ва сўнгида ўқитувчи томонидан якунланади. Дарсда фаол қатнашган ўқувчилар билими баҳоланади.

Ушбу дарснинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўқувчи мустақил фикрлашга ўрганади ва ўз фикрини тортинмай айтишга журъат пайдо қилади.

**14. Таянч сигналлари асосидаги дарс.** Бу дарс учун ўқитувчи маълум мавзудаги сўзлар маъносига қараб аниқ жумла тузади ва шу йўсинда дарсни режалаштиради. Ушбу дарсда ўқитувчи ёзма конспект ишлатмайди. Яримта ватман қоғознинг икки томонига 3-4 соатга мўлжалланган дарс мавзуларини ифода қиладиган саволли жумлалар тузади ва шу йўсинда дарсни режалаштиради. Саволли жумла ёки белгилар ёзилган ватман қоғози доскага илиб қўйилади. Ўқувчилар эса ўтиладиган мавзунини мустақил равишда ўқиб тайёрланиб келадилар.

Ўқитувчи доскага осиглиқ ватман қоғоздаги белгилар ёки жумлалар мазмунига қараб ўқувчилардан жавоб беришни сўрайди.

*Масалан:* Иккинчи жаҳон уруши мавзусини олайлик. Ватман қоғозга «19.XI. 42-2.II.43» рақамлари ёзилиб, савол аломати қўйилган бўлса, ўқувчилар, демак, мавзу Сталинград жанги ҳақида эканини тушуниши керак. Хоҳлаган ўқувчи қўл кўтариб, бу ҳақда билганини айтиб бериши мумкин. Яъни Сталинград жанги ва генерал Чуйков армиясининг маҳорати, душманнинг тор-мор этилгани ва бу жангнинг тарихий аҳамияти ҳақида гапиради.

Ватманга «ба» белгиси ёзилган бўлса, демак, мавзу немис генерал-фельдмаршали Паулус армиясининг хужуми, мақсади, ўраб олиниши ва унинг асир олиниши

ҳақида. Ўқувчи қўл кўтариб, бу ҳақда билганларини айтиб бериши мумкин.

Шунингдек, темир йўллар, дарёлар, саноат корхоналари ҳам ўзига хос белгиланади. Масалан, ҳарбий белги билан завод-фабрика ифода этилган бўлса, тушунарлики, мавзу аёжи уруш йиллари ишдан чиққан уруш куроллари (танклар, артиллерия ва бошқа.) Сталинград заводида тезкорлик билан таъмирланиб, қайта ишга солингани ҳақида экан ва ҳоказо. Шу каби белгилар билан дарс ўтилади ва булар таянч сигналлари деб аталади.

Дарс сўнгида ўқитувчи жавоб берган ўқувчининг билимини, ўзлаштириши ва нутқ маданиятини баҳолаб, дарсга яқун ясайди ва ўқувчиларга миннатдорчилик билдириб қўяди. Бу дарсда ўқувчиларнинг топқирлиги ва нутқ маданиятига эътибор бермоқ лозим.

**15. Саҳналаштирилган дарс.** Бу дарсни ўтишга олдиндан тайёргарлик кўрилади. Дарсга мавзу танлашда эса, маълум мавзунинг моҳиятини очиб берадиган, ўқувчилар диққатини жалб қиладиган ва қизиқишини уйғотадиган жиҳатларга эътибор берилмоғи шарт. Бинобарин, бу дарсда мавзу танлашга алоҳида эътибор берилади. Аниқроқ қилиб айтганда, ушбу дарсни ўтишда тарихий шахсларнинг ёрқин образлари яратилади. Тарихий шахслар олдиндан танлаб олинган бўлади ва ўқувчиларга бўлиб берилади. Ўқувчилар кучи ва ташаббуси билан махсус кийимлар танланади. Дарслардан ташқари вақтларда ўқувчилар образ яратадилар. Ўқитувчи вақтинча режиссёрлик лавозимида бўлиб, тайёргарлик (репетиция) ўтказади. Ўқитувчи-режиссёр образлар обдон пишиб этилганига қаноат ҳосил қилганидан сўнг, олдиндан тайин этилган кунда саҳна дарси барча ўқувчиларга намойиш этилади.

Саҳналаштирилган дарсда образ яратган ҳар бир ўқувчи хатти-ҳаракати билан ўзи яратган образни гавдалантириб бериши, яъни ўша тарихий шахс образини яратиши керак. Ўқитувчи саҳна дарси жараёнида ҳам бош ҳакам, ҳам режиссёрлик қилади. Дарс тугагач, дарсни яқунлаб беради, образ яратган ўқувчиларни

баҳолайди. Дарсда ўқитувчининг ўзи ҳам образга кириши, бирон тарихий шахсни жонлантириб бериши мумкин.

**16. Хаёлий экскурсия дарси.** Дарснинг бу усули ўтилаётганда ўқувчилар ўз жойларида ўтираверадилар. Ўқитувчи дарс мавзусини эълон қилади-да, мавзу бўйича ўқувчиларга хаёлан экскурсия қилиш, яъни тарихий воқеани тасаввуридан ўтказишни таклиф қилади. Сўнгра ўқитувчи савол ташлайди. Ихтиёрий равишда қўл кўтарган ўқувчи ўрнидан туриб ҳеч қандай ёзувга қарамасдан саволга жавоб беради. Бир-иккита мисол келтирамиз.

Масалан: 1. Андижон вилоятидаги туманлар номини ким адашмасдан айтиб беради?

Ёки:

2. Ўзбекистон Республикасидаги вилоятлар номини ёнма-ён жойлашганига қараб (марказини қўшиб) бир чеккадан ким айта олади?

3. Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)га кирувчи республикаларни ёнма-ён жойлашувига қараб айтиб беринг.

4. Ўзбекистон Республикасининг вилоятларида нима кўпроқ етиштирилади? ва ҳоказо.

Шунингдек, саволлар тарихдан бўлиши ҳам мумкин.

**17. Харита бўйлаб экскурсия дарси.** Бу дарсда харита билан ишланади. Ҳамма ўқувчиларнинг хариталари, яъни атлас харитаси очиб қўйилган бўлади.

Доскага эса дунё харитаси илиб қўйилади. Ўқитувчи томонидан таклиф қилинган битта ўқувчи доскага чиқиб, харита устида ўйланади, бошқалар ўтирган жойида олдиларидаги харита билан машғул бўладилар.

Ушбу дарс туридан иккита мисол келтирамиз:

1. Ўқитувчи, масалан, темир йўл ёки сув йўли, ёхуд ҳаво йўли орқали бориладиган давлатлар ҳақида олдинроқ саволлар тузади ва бирон ўқувчига беради. Савол олган ўқувчи қайси мамлакатга қандай транспорт воситасида бориш мумкинлигини айтиб, тушунтириб бериши керак.

2. Иккинчи савол, масалан, Африкадаги араб давлатларини харитадан топиш, курсатиш ва пойтахтларини ҳам топиб кўрсатиб бериш, шунингдек уларнинг давлат тузуми ҳақида ҳам ахборот бериш. Савол ўртага ташланади ва ким жавоб беришни хоҳласа, қўл кўтариши сўралади.

Ушбу дарс тури тури харита ёрдамида ўқувчилар билимини мустаҳкамлашда, шунингдек, ўтилган дарсларни такрорлашда муҳим аҳамиятга эга.

**18. Экскурсия дарси.** Бундай дарслар маълум йилнинг илмий-бадний конференция мавсумига мўлжалланган ҳолда ўтказилади. Экскурсия дарсини мактабдан ташқарида ишлаб чиқариш корхоналари - заводларга, фабрикаларга шунингдек, турли қурилиш иншоотларига ва маданий муассасаларга, музейларга, кинотеатр ҳамда театр спектаклларига, жамоа хўжаликларига ўқувчилар экскурсиясини уюштириб ўтказилади. Ушбу дарс, асосан, ўтилган дарсларни кўргазмали равишда мустаҳкамлаш учун ташкил қилинади. Ҳар бир экскурсиядан олдин ўқитувчининг шахсан ўзи маълум объект билан аввалроқ алоқа ўрнатиши лозим, сўнгра махсус тайёргарлик кўрилгач, дарс ташкил қилинади. Экскурсиялар, юқорида айтилганидек, маълум мақсадга йўналтирилган бўлади ва ўша мақсад юзасидан танланган корхона билан обдон таъништирилади. Эртасига ёки ўша куни ўқитувчи синфда экскурсияга тегишли яқун ясайди. Ушбу дарс тури ўқувчилар билимини ҳаёт билан боғлаб мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

**19. Илмий конференция (анжуманлар) дарси.** Дарсинг бу услуби тантанали кунларга, муҳим тарихий воқеаларга, шунингдек, фавқулодда юз берган янгиликларга бағишлаб ўтказилади. Бундай конференция (анжуманлар), асосан, юқори синф ўқувчилари иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бунга жуфт синфлар бўлса, айна мақсадга мувофиқ келади. Масалан: 11-«А», 11-«Б», ёки 10-«А», 10-«Б» синфлари тан-

ласа, тадбирнинг илмий ва амалий савиясига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу хилдаги конференция (анжуман)да танланган йўналиш бўйича ўқувчилар бир-бирларига бериш учун аввалдан саволлар тузадилар. Ўқитувчи бу саволларнинг илмий савиясини ва ўтилган дарсларга мувофиқ келишини назарда тутган ҳолда олдиндан кўриб чиқиб, зарур бўлса, тузатишлар киритади. Ишнинг бундай ташкил қилиниши конференция дарсидан кўзланган мақсадга айна мувофиқ келади.

Конференция (анжуман)да аввалига бир-икки ўқувчи алоҳида тайёрлаган мавзуда маъруза қилади. Сўнгра анжуманнинг иккинчи қисми бошланиб, маърузалар бўйича савол-жавоблар ўтказилади. Иккинчи қисмдан сўнг анжуман бадиий чиқишлар билан давом этади. Ашула, шеърхонлик, рақс ва чолғу куйлари бўйича мусобақалар уюштириш ҳам мумкин. Маъруза қилган ва савол-жавобларда қатнашган анжуман иштирокчиларининг билимини холис баҳолаш учун махсус ҳайъат тузилади. Билимларни баҳолашда фан ўқитувчиси холис турмоғи лозим, токи ҳайъат аъзолари ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини холисона баҳоласинлар.

Конференция сўнгида чой ташкил қилиниб, енгил дастурхон тузаш ҳам мумкин. Агарда чой маросими бошдан назарда тутилган бўлса, у ҳолда дастурхон тузаш ҳам баҳоланади. Бунда дастурхондаги овқатларнинг турига, сифатига қараб эмас, ўқувчиларнинг дастурхон тузашдаги дид-фаросатига, тартибига, эстетик жиҳатига алоҳида эътибор қаратилади.

Илмий-бадиий конференция (анжуман) дарсининг аҳамияти шундан иборатки, бунда, биринчидан, ўқувчида олган билимини ифода қилиш қобилияти ўсади, иккинчидан, у ўз фикрини ифода қилишда журъат пайдо қилади, учинчидан, ўқувчилар ўртасида дўстона муносабат мустаҳкамланади.



1983 йил. Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти тарих кабинетида...  
Чапдан ўннга: К.Исмоилов, ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Одилжон Алимов, институт тарих бўлими бошлиғи Мирзакалон Мирзараҳимов, вилоят халқ таълими бўлими инспектори Позилжон Темиров ва педагогика институти доценти Одилжон Ниёзов.







**Каримжон Исмоилов дарс жараёнида (1986 й.).**



1987 йилда вилоятда ўтказилган тарих олимпиадаси ташкилотчилари.



Андижон шаҳридаги 29-ўрта мактабнинг чорак асрлик юбилейи тадбирларида.

## ДАРС ЎТИШ УСЛУБЛАРИ

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига кўра, барча тарих ва жамиятшунослик дарсларининг самарадорлигини ошириш жабҳасида ўқитишнинг янги услубларидан фойдаланиш давримизнинг илғор педагогик тажрибасига айнан мос келади. Дарс беришнинг барчага маълум бўлган ва сийқаси чиққан бир-икки хил услубларидангина фойдаланиш ўқувчилар учун ҳам зерикарлидир. Каримжон Исмоилов тарих ва жамиятшунослик дарсларида қуйидаги ранг-баранг услублардан фойдаланишни тавсия этади:

1. Лекция - маъруза услуби.
2. Савол-жавоб услуби.
3. Ўқувчилар билан мавзу юзасидан суҳбат услуби.
4. Муайян тарихий воқеаларни холис ҳикоя қилиб бериш услуби.
5. Ўқувчиларнинг ўзаро мунозарасини уюштириш услуби.
6. Дарсда муаммо (проблема) ҳосил қилиш услуби.
7. Масалани аниқ, лўнда қилиб тушунтириш (яъни оптималлик) услуби.
8. Ҳар хил кўргазмали қуроллар воситасида дарс ўтиш услуби.
9. Дарснинг ошкоралик услуби.
10. Дарсда демократик услуб.
11. Шахсан намуна кўрсатиш услуби.

*Қуйида юқоридаги ҳар бир дарс ўтиш услуби устида алоҳида тўхталиб, улар ҳақида қисқача йўлланма - тавсиялар берилади:*

**1. Лекция - маъруза услуби.** Бу услуб, асосан, юқори синфлар - 9 - 11-синфларда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир, зеро у, асосан, олий ўқув юртларида қўлланилади.

Лекция - маъруза услуби қуйидаги ҳолларда қўлланилса, ўз самарасини беради: 1) янги мавзуни бошлаганда; 2) ўтилган бир неча дарс мавзулари юзасидан ихчам умумлашма, хулоса қилишда; 3) дарсликка

киритилмаган мавзулар ҳақида ахборот беришда. Бунда ўқувчилар ёзишни машқ қиладилар ва, бир вақтнинг ўзига, диққат билан тинглашни ҳам ўрганадилар.

**2. Савол-жавоб услуги.** Бу услубдан деярли ҳамма синфларда фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу услуб тарих дарсларида энг кўп қўлланилади ва ўқитувчи бутун ўқув йили давомида бу услубдан унумли фойдаланади, уни кўпроқ жорий қилиш тавсия этилади.

Умуман, дарсда савол-жавоб услуги ўқувчиларнинг фаоллигини, хушёрлигини оширади, уларнинг диққатини айрим тарихий масалалар, тарихий воқеалар ёки машҳур тарихий шахслар атрофида жамлашга катта ёрдам беради, ўқувчиларни ўйлашга чорлайди.

**3. Суҳбат услуги.** Бу услубдан ҳам деярли барча синф-ларда ва барча дарсларда фойдаланиш мумкин. Бунда ҳар бир дарс ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида ўзаро суҳбат асосида олиб борилади. Ўқувчилар тортинчоқлик қилмайдиган ҳолат пайдо қилиш лозим. Ўқитувчи ахборот бераётган тарихий воқеа мазмунини ўқувчилар биладими-йўқми, аниқлаши, сўнгра воқеага уларнинг қизиқишини уйғотиши лозим бўлади.

Суҳбат услубида масаланинг психологик жиҳатига эътибор бериш лозим. Масалан, диққат билан кузатилганда, ўқувчининг баён қилинаётган воқеага қизиқиши, ниманидир айтишга майл-хоҳиши унинг юзидан билиниб қолади. Ана шундай ҳолатда ўқитувчи ўша ўқувчи майлини эътиборга олади ва уни суҳбатга тортади. Ўшандагина ўқувчи тортинчоқлик пардасидан чиқиб, ўз фикрини айта олади. Ана шунда ўқувчи ва ўқитувчи бир-бирларининг фикрларини тўлдиради, ўзаро алоқа ўрнатилиб, дарс анча қизиқарли ўтади. Бу услубнинг аҳамияти шундаки, ўқувчи ўз фикрини бир масала, тусунча атрофида тўплай олишга ўрганади, ўқитувчи билан суҳбатда ўз фикрига, билимига ишонч уйғонади.

**4. Ҳикоя услуги.** Бу услуб, асосан, 5 - 8-синфларда қўлланилади. Ўқитувчи ушбу услубдан фойдаланиш чоғида ҳикоя мазмунига эътибор қаратиб, бироз образга кириб, эҳтирос билан гапирса, дарс мазмунли бўлади.

Зеро, ўзи кўрмаган, иштирок этмаган воқеаларни гўё кўргандек, билгандек қилиб гапириб, изоҳлаб бериш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳикоя услубида ўқитувчи шундай гапириши керакки, барчанинг диққатини ўзига жалб қилиб олсин. Ўшанда муҳокама қилинган тарихий воқеа улар хотирасида муҳрланиб қолади ва дарсга ўқувчилар диққатини тўлиқ жалб қилиш мумкин бўлади, ўтилган дарснинг қиммати ошади. Ўқитувчидан сухандонлик маҳорати ҳам талаб қилинади.

### **5. Ўқувчилар мунозарасини уюштириш услуби.**

Бу услуб қўлланилганда ўқитувчи маълум дарс мавзусини ўқувчилар муҳокамасига ташлайди. Ташланган савол кўпчилик иштирокини таъмин этган ҳолда ҳал қилинади. Ўқитувчининг рухсати - розилиги билан ўқувчилар ҳам савол ташлаши мумкин. Ташланган саволга аввал ўқувчилар жавоб беради, сўнгра ўқитувчи уни тўлдиради. Саволларни муҳокама қилишда иштирок қилган ўқувчиларни маънавий рағбатлантиришга ҳам эътибор қаратмоқ лозим.

Мунозара услубининг Ватан тарихи мавзусини чуқурроқ ўзлаштиришда аҳамияти беқиёсдир. У ўқувчи хотирасида ўчмас из қолдиришда синалган омил ҳисобланади

**6. Дарсда муаммо ҳосил қилиш услуби.** Муаммоли дарс услубида ўқитувчи дарс беришда тарихий воқеанинг энг қизиқ ва ўқувчиларни ўйлантирадиган жойига келганида дарс баёнини тўхтатади ва давом эттириб тўлдиришни ўқувчилардан талаб қилади: «Қани энди бу воқеани тақдири нима бўлар экан?» деб ўқувчиларни мустақил ўйлашга ундайди. Бир неча ўқувчи қўл кўтариб, воқеанинг давомини айтадилар. Сўнгида ўқитувчи айтилган ҳар хил фикрларни жамлаб, кераклисини ажратади ва тўлдириб, якунлайди. Баъзан яна кўшимча саволлар бўлиши мумкин.

Бу дарс услубини барча синфларда қўлласа бўлади. Бу халқ таълими ривожининг ҳозирги талабига ҳам айнан мос келади.

*Мисол:* Иккинчи жаҳон уруши мавзусида муаммолар ҳосил қилиш услубини олайлик.

1. Нима учун гитлерчилар Германияси 1939 йилда СССРга ҳужум қилишга журъат эта олмади?

Ёки:

2. Нима учун Гитлер Сталинградни эгаллашга катта эътибор берди?

Ё бўлмаса:

3. Гарчи Германия таслим бўлишга розилик билдирса ҳам, СССР сўзсиз таслим бўлишни талаб қилганига сабаб нима?

Бундай саволларни беришдан мақсад ўқувчиларни ўйлашга, мустақил фикрлашга, воқеа баёнида ўзига хос кашфиётчиликка ўргатишдир. Шу каби муаммолар ҳосил қилиш учун, умуман, дарсда айтилмайдиган айрим тарихий воқеалар ҳақида саволлар ташланиши мақсадга мувофиқдир. Шундай бўлсинки, ўқувчилар жавобни ўзлари ўйлаб топсинлар.

## **ДАРСНИНГ ТАРТИБ - ҚОИДАЛАРИ**

Дарснинг тартиб-қоидаларини аниқлаш ҳамда унинг мақбул томонини белгилашдан асосий мақсад кўпроқ дарснинг таълимий ва тарбиявий самарадорлигини оширишдан иборатдир. Аввало, дарсдан олдин мавзунинг ҳажми (яъни вақтга нисбатан катта-кичиклиги), асосий мазмуни ва унинг дидактик мақсадга энг қулай бўлган тушунтириш усуллари танлаб олинади. Бир дарснинг ўзида маҳоратли ва тажрибали ўқитувчи бир неча услуб ва шакллардан, воситалардан, экранлаштирилган қўлланмалардан, шунингдек, бошқа тарбиявий дидактик воситалардан, албатта, унумли фойдаланиши лозим. Мана шу йўсинда ўтилган дарс жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлашга, дарснинг мазмунига қизиқтирилади.

**1. Кўргазмали дарс ўтиш қоидаси.** Бундай усулдаги дарс-да, чунончи, бирон мавзунини тушунтиришда тилга олинадиган тарихий шахснинг, жой номларининг ва

бошқа муҳим нарсаларнинг расмлари кўрсатилади. Шунингдек, мавзуга доир китоблар (масалан, тарихий қисса, шеърӣй дoston каби) ва бошқа зарур нарсалар кўрсатилади. Шунингдек, доскадан, харитадан, бошқа хилма-хил техник воситалардан ўз ўрнида фойдаланиш йўли билан дарс ўтилади. Бунда шу нарсага эътибор қилиш лозимки, кўриш-кўрсатиш орқали эшитилган маълумотлар мустаҳкамланади, ўқувчи воқеаларни тасаввур қилиши осонлашади.

**2. Ошкоралик усули.** Бу усулда ўқитувчи баён қилинаётган ҳар бир тарихий воқеа-ҳодисаларни қандай содир бўлган бўлса, аслидаги ҳолида, шундайлигича, бўяб-қўшмай, ўзгартирмай ва ҳеч нарсани яширмасдан айтиб беради. Ўқувчилардан ҳам ўз фикрларини яширмасдан очиқчасига, ошкора равишда айтиш талаб қилинади. Сўнгра ўқитувчи дарсликдаги позициядан чиқиб келган ҳолда хулоса қилади.

Ўқитувчи агар дарсликда айтилмаган айрим воқеаларни аниқ билса, дарсда қўшимча тарзда айтиб бериши мумкин. Тарихий шахслар ҳақида ҳам мустақил равишда ижобий ёки салбий фикрларни ҳолислик билан ошкора айтиш керак. Тарих дарсида давлат сиёсати тўғрисида гап кетганда ҳам ўқувчилар билан самимий тарзда ошкора суҳбатлашиш лозим. Дарсдаги ошкоралик самимият белгисидир. Совет тузуми йиллари тарихга доир кўп масалалар тўғрисида ошкора фикр юргизолмасдик, «тил бошқа, дил бошқа» бўладиган ҳолатларга сабаб туғдирилар эди. «Энди ундай бўлмаслиги керак. Чунки, мустақилликка эришдик, эркин фикрлаш имконияти туғилди. Ошкоралик тарих фанининг обрўсини кўтаради, ўқувчиларда эркин фикрлаш қобилиятини тарбиялайди». Бу Каримжон Исмоиловнинг биз билан суҳбатда айтган фикрларидан.

**3. Демократиялаш принципида ўқитувчи ўзини ўқувчилардан юқори қўймай, ўртоқларча, кундалик суҳбатдошларча муносабатда бўлмоғи лозим.** Ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги кўринмас истиҳола «пардасини» олиб ташлаб, дарс ўтиш керак. Дарсда



ўқувчиларга фикрлашда тўла эркинлик берилади. Ҳар бир масалага баҳо беришда кўпчиликнинг фикри ҳисобга олинмоғи лозим, токи ҳар бир ўқувчи маълум масалада эркин фикрини тортинмасдан айта олсин. Зеро, дарсни демократлаштириш маъноси ҳам шунда. Ҳатто ўқувчилар билимини баҳолашда ҳам синфдаги кўпчиликнинг розилиги эътиборга олинса, яна яхши, ўқувчи-ўқитувчи муносабатининг шаклланишида бунинг аҳамияти беқиёсдир.

**4. Шахсан намуна кўрсатиш принципига риоя қилиш.** Дарсда ўқитувчи тарбиявий соҳадаги ҳар бир гапни ўйлаб, ўз дунёқарашига, хатти-ҳаракатига таққослаб, мантиқан хулоса чиқариб айтиши лозим, токи дарсда тил билан дил бирлигига эришилсин ва айтилаётган гаплар ўқитувчи фаолиятида ўз мужассамини топсин. Масалан, одобли юриш-туриш, покиза кийиниш, хушмуомалалик, камтарлик, инсонийлик, чекмаслик ва ичмаслик, фақат ҳалол меҳнат эвазига яшаш каби масалаларда ўқитувчи шахсан намуна кўрсатмоғи лозим. Бундан ташқари, ўқитувчи намунали ота-оналар, намунали айрим ўқувчилардан аниқ мисоллар келтириб, дарс ўтса ва имконини топиб улар билан учрашувлар ташкил қилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

## ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ

*Баҳолашни қуйидагича усулларда амалга ошириш мумкин:*

**1. Ўқувчиларни биттадан доска олдига чақириб, савол-жавоб усулида баҳолаш.** Бу усул эски тартиблардан қуйидаги жиҳати билан фарқ қилади: доска олдига чақирилган ўқувчи саволлар ёзилган ва тартиб рақамлари билан белгиланган қоғозлардан (билетлардан) биттасини олади. Ўқувчи фикрларини жамлаб, қоғозда ёзилган саволларга жавоб беради. Ўқитувчи, агар хоҳласа (жавобдан тўла қониқмаса), кўшимча савол бериши мумкин. Ўз навбатида, ўқувчилар ҳам ўқитувчига тортинмасдан савол беришига имкон

туғдириш лозим. Шу тариқа ўқитувчи савол ёзилган қоғоз (билет)лар нечта бўлса, шунча ўқувчини навбат билан доска олдига чақириб сўраши, уларнинг билимини синаши мумкин.

**2. Ўқувчиларнинг бир гуруҳини доска олдига чақириб сўраш усули.** Бу дарс ўтишда фойдали усуллардандир. Ўқитувчи бунда мустақил иш тутади, яъни хоҳласа ўқувчилардан бир нечасини танлаб ёки қўл кўтарган ўқувчилардан бир нечасини доска олдига чиқариши мумкин. Ёки вазиятга қараб ўқувчиларни мажбурий равишда таклиф қилиши ҳам мумкин.

Ўқувчиларни бир йўла 3-4 тадан 5-6 тагача чақириб мумкин. Доска олдига чиққанлардан сўраш усули қуйидагича бўлади. Ўқув режаси асосида ўтилган дарс мавзуи, албатта, саволларга бўлинган бўлиши шарт. Саволлар учтадан бештагача бўлиши мумкин. Доска олдига чақирилган ўқувчилар ўз кундалигини ўқитувчига бериб, агар конспектлари бўлса, қўлларида ушлаб, бир қатор туришади. Доскада, албатта, харита бўлади.

Энди ўқитувчи битта ўқувчига: «Сиз бошланг», деб таклиф қилади ва ўша ўқувчи биринчи саволга жавоб бера бошлайди. Агар ўқувчи жавобни яхши бошласа ва ўқитувчи унинг билимига ишонч ҳосил қилса, унинг жавобини тўхтатиб, иккинчи ўқувчига: «Сиз давом эттинг», деб айтади. Агарда ўқувчи жавобда қийналиб қолса, дарҳол бошқасига сўз берилади. Яхши билган ўқувчи саволга тўлиқ жавоб бериши шарт эмас, ўқитувчи унинг билимидан қаноат ҳосил қилса бўлди.

Дарс ўтишнинг сўраш усулида доска олдига чиққан барча ўқувчилар барча саволлар устида фикрини билдирадиган бўлсин. Ҳамма саволларга жавоблар тинглаб бўлингандан сўнг ўқитувчи таклифи билан саволлар мавзусига қараб харитадан ҳам маълум жойлар кўрсатилиши керак. Энг сўнгида ўқувчи ўз жавобига лоақал битта янгилик қўшиб айтиши лозим. Юқоридагиларни аъло даражада бажарганларга «5» баҳо, бирорта саволни чала айтса «4», қийналиб жавоб

берса «3», умуман билмаса, «2», доска олдига чиқишдан бош тортган ўқувчига эга «1» баҳо қўйилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини диққат билан тинглаб ўтиради. Жавобнинг мантиқига эътибор бериб, ўқувчи адашган жойларини ўрнида тўғрилаб бориши лозим, токи ўқувчи адашганини сезсин.

Ўқувчилар билими демократик тарзда, яъни кўпчиликнинг розилиги билан баҳоланиб, қўйилган баҳо журналга ҳам, ўқувчининг кундалигига ҳам қайд этилиши керак.

**3. Ўқувчини доска олдига чиқармасдан жойида сўраш усули.** Бунинг учун тайёрланган саволлар маъносига қараб 10-15 тагача «майдалаштирилади» ва ўқувчилардан аввал ихтиёрий тарзда, сўнгра эса мажбурий тарзда сўралади. Ўқувчиларга бундай саволлар қўйилмаганда, гўё тасодифан берилади. Бошқалар жавобни тинглаб, тўлдириши мумкин. Айрим ўқувчиларнинг кўп ва тўғри жавоб берганлари ҳисобга олиб борилади ва охирида кўпчилик фикри билан демократик асосда баҳо қўйилади.

**4. Тарқатма материаллар асосида сўраш.** Бу усулда ўқитувчи бир нечта карточкага 2-3 тадан савол ёзиб, ўқувчиларга тарқатади. Бу усулда савол ўтирган ўқувчиларга тарқатилса ҳам, доскага чиқариб тарқатилса ҳам бўлаверади. Алоҳида қоғозларда, масалан, учтагача берилган жавоб қониқарли бўлмаса, унда жавобни бошқа ўқувчилар тўлдиради. Ҳар бир савол мустақил тарзда ўз вақтида ҳал этилиши лозим. Сўнгра яқунланади ва жавоб берган ўқувчиларга демократик асосда (кўпчилик фикри билан ҳисоблашиб) баҳо қўйилади.

**5. Топишмоқли тест шаклидаги саволлар асосида сўраб баҳолаш.** Бундай баҳолаш усули бўлажак автомобиль ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидалари (шаблон) бўйича билимини синаш усулига ўхшайди. Бунинг учун ўқитувчи бирмунча қалинроқ қоғозни бир хил ўлчамда қирқиб, уларнинг ҳар бирига биттадан савол ёзади ва унинг остига 4-5 та жавоб вариантларини ҳам тартиб рақамлари билан ёзиб қўяди. Жавобларнинг

фақат биттаси тўғри бўлиши, қолганлари эса тестлардаги каби нотўғри бўлиши керак.

Ҳар бир жавоб варианты рўпарасида биттадан тешикча ҳосил қилинади.

Мазкур усул билан ўқувчи билимини баҳолаш учун ўқитувчига бўлажак ҳайдовчилар билимини синашдаги каби яшил ва қизил рангда ёнадиган чироқлар ўрнатилган махсус электр асбоби зарур бўлади.

Ўқувчи варақадаги савол билан танишиб, ундаги жавоблардан бирини танлайди. Агар у танлаган жавоб тўғри бўлса, электр асбобнинг яшил чироғи ёнади, нотўғри бўлса, қизил чироқ ёнади. Баҳолаш тартиби юқоридаги каби демократик усул билан бўлади.

**6. Харитадан сўраб баҳолаш.** Бунда бутун дарс давомида фақат харита устида ишланади. Ўқитувчи савол беради. Ўқувчи харитадан кўрсатиб, қанчалик тез ва аниқ жавоб берса, шунга қараб баҳоланади. Бунда битта ўқувчига бир неча савол берилиши мумкин. Ўқувчининг харитадан тезда излаб топиб беришига - топқирлигига эътибор қилинади.

**7. Жавоб бериш учун ўқувчини доска олдида чиқармасдан баҳолаш.** Бундай усулда доскага чиқиб жавоб бераётган ўқувчининг жавобларини тўлдириш, масаланинг ечилмай қолган жойини ҳал қилишда фаол қатнашган айрим ўқувчи танлаб олинади ва билими баҳоланади. Бунда муҳокама жонли ўтади.

**8. Ўқувчининг ўқитувчи кузатувида мустақил дарс ўтиш усули.** Бунда бирон ўқувчи мустақил дарс беради, ёки матбуот конференциясини бошқаради. Ўқитувчи эса бир чеккада кузатиб ўтиради. Ўқувчининг мустақил ҳаракати билими ва ўзини тута билишига қараб баҳоланади. Бу усулнинг ҳам тарбиявий аҳамияти бор.

**9. Синфда ёзма иш ўтказилиб, унинг мазмуни ёритилишига қараб синф ўқувчиларининг билими тўлиқ баҳоланади.**

**10. Мустақил рефератлар ёзганлиги учун баҳолаш усули.** Бунинг учун юқори синф ўқувчиларидан ҳар томонлама илмор ва аълочилари танлаб олинади ва

уларга турли мавзулар берилади. Бунда саволлар кўрсатилиб, уларга ёзма равишда жавоб бериш топширилади. Ёзма иш сўнгида ўқувчи фойдаланилган адабиётлар ва матбуот материалларини кўрсатади.

Ўқувчилар ёзган бундай рефератлар мазмунига, имло хатоларига ва ёзиш сифатига қараб баҳоланади. Улар ичида энг яхши ёзилган рефератлар танлаб олинб, тарих хонасига олинади ва намуна сифатида сақланади.

**11. Семинар ўтказиб баҳолаш усули.** Бу усулда ўқитувчи катта бир мавзунини ўтиб бўлгач, ўша мавзудан 10-15 та муҳим саволлар тайёрлаб, ўқувчиларга 3-4 кун аввал ёздириб қўяди. (Саволлар илгари ўтилган мавзулар бўйича тузилиши ҳам мумкин). Ўқувчилар белгиланган муддатда ҳаммасига жавоб тайёрлаши керак.

Семинар кунини ўқитувчи қалин қоғозга ўша берилган саволларни ёзиб, доскага осиб қўяди. Саволларни навбатма-навбат оғзаки ўртага ташлаш ҳам мумкин. Саволларга жавоб бериш, асосан, ихтиёрий равишда бўлади, ўқувчи мумкин қадар мажбур қилинмайди. Жавоблар мунозара шаклида ўқувчилар томонидан тўлдирилиб, сўнгра умумий хулоса чиқарилади. Яқунда демократик усулда, яъни кўпчиликнинг розилиги билан (аммо ўқитувчи фикрининг устунлигида) баҳолар қўйилади.

**12. Мушоира-баҳслашув йўли билан баҳолаш усули.** Бу усулда иккита параллел синф ўқувчиларидан иккита команда тузилади ва улар маълум мавзу муҳокамасида ўзаро беллашадилар. Беллашувда команда таркибидаги барча ўқувчилар ўз билимлари даражасида фаол қатнашадилар. Ҳолиб томон умумий натижага қараб аниқланади ва қатнашганларнинг ҳаммаси «3», «4», «5» баҳолар билан баҳоланади. Мағлуб томондан фақат энг фаол қатнашганларга баҳо қўйилади.

Дарс беришнинг бу усулида ўқувчининг ўз билимига ишонч ҳисси ва уни изҳор қилиш шижоати мустаҳкамланади.

**13. Мавзуда янгилик айтишига қараб баҳолаш усули.** Бу усулга биноан ўқувчилар ўтилган мавзунинг

бирон жиҳати ҳақида билганича ёзиб келиши лозим. Чунончи, ўша дарсга мавзунинг сиёсий-иқтисодий, маданий, тарихий, тарбиявий аҳамиятига доир ўзига хос бирон-бир янгилик топиб ёзиб келиш топширилади. Ким ўтилган дарсдан кўпроқ янгилик топиб ёзиб келган бўлса, ўша ўқувчини кўпчилик олдида маънавий рағбатлантириб (мақтаб), сўнгра баҳо қўйиб берилади. Бу усулда ўқувчи мустақил фикрлашга ва ўтилган дарснинг мазмун-моҳиятини эшлашга ўрганади.

## **МАКТАБДА ТАРИХ ХОНАСИНИ ЖИҲОЗЛАШ**

Умуман олганда, ҳар бир мактабда тарих хонаси бўлмоғига эришмоқ лозим. Агар мактабда хоналар етарли бўлса, битта хонани фақат тарих дарсига, яна бир хонани эса «Инсон ва жамият» дарсига мослаб жиҳозланади. Агар мактабда хоналар етишмаса, унда тарих ҳамда «Инсон ва жамият» дарсларига битта хона махсус жиҳозланади.

Бундай хонани жиҳозлаш тартиби музей қоидаларига биноан бўлиши мақсадга мувофиқдир. Яъни узоқ муддат сақланадиган тарихий ашёларни топиб, махсус стендлар қилинади. Уларнинг баъзилари илиб қўйилади, баъзилари михлаб-мустаҳкамланган бўлади.

Тарих хонасига, масалан: қуйидагилар қўйилиши ёки ташкил қилиниши мумкин:

1. Ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳақида алоҳида стенд. Бунда тегишли тузум-даврлар ҳамда ундаги ҳоким ва маҳкум синфлар кўрсатилиб, алоҳида расмларда тасвирланади. Унинг даврлари (асрлар) ҳам аниқ кўрсатилади.

2. Энг муҳим ва тарихга машҳур халқ озодлик кўзғолонлари: айтайлик, Спартак кўзғолони ёки Жанна д-Арк, Уот Тайлер, Степан Разин, Пугачёв кўзғолонлари; Ўрта Осиёдаги қадимги Спитамен, Широқ, Муқанна, Маҳмуд Торобий, Андижон (Дукчи Эшон) ва «Мардикор олди» кўзғолонлари ҳақидаги стендлар. Бу кўзғолонлар

расмларда тасвирланиши ва қисқача мазмуни ёзилган бўлиши керак.

3. Муҳим аҳамиятга молик инқилоблардан, чунончи, ҳозирги тушунчамиз бўйича Париж Коммунаси, Хитойдаги Сун Ят Сен бошлиқ инқилобий ҳаракатлар, 1917 йилги Русиядаги давлат тўнтариши, ёки Ҳиндистонда 1947 йили галаба билан тугалланган озодлик ҳаракатлари ва ҳ-к.

4. Мустақиллик учун энг муҳим курашларнинг натижаларига қараб, масалан: АҚШнинг ташкил топиши, Африкадаги бир қатор мамлакатларнинг мустақилликка эришуви, ёки Мовароуннаҳрда Амир Темур давлатининг ташкил топиши каби масалаларга аталган стендлар.

5. Жаҳонга машҳур йирик тарихчи олимларнинг расм-портретлари.

6. Ўзбекистоннинг мустақиллик даврига оид стенд.

7. Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви, мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини акс эттирган кўргазма, диаграммалар.

8. «Ёш тарихчилар бурчаги» ташкил қилиниб, унга аълочи ва фаол ўқувчиларнинг расмлари қўйилади.

9. «Ҳафта янгиликлари» номли стенд. Бу икки хил кўринишда бўлади:

а) мамлакатимиздаги янгиликлар; -

б) чет мамлакатлардаги янгиликлар.

Дафтар сиғадиган катталиқда иккита чўнтак - конверт ёпиштирилиб, тегишли маълумотлар ўшанга солиб қўйилади ва ҳафтада алмаштириб турилади.

10. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бўлими. Бунда кўйдаги маълумотлар бўлиши лозим:

А. Меҳнат маҳсулотларидан намуналар.

Б. Меҳнат қуролларида намуналар.

В. Янги меҳнат қуроллари - дастгоҳлардан намуналар.

Г. Ишлаб чиқариш муносабатлари ҳақида ва ҳ-к. Барчасига қисқа-қисқа изоҳлар ёзиб қўйилади.

11. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақида кўйдаги маълумотлар берилиши мумкин:

а) сўз эркинлиги;

- б) матбуот эркинлиги;
- в) сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари;
- г) турли сиёсий-ижтимоий ташкилотлар - партиялар тузиш эркинлиги;
- д) турли намоишлар, митинглар ўтказиш эркинлиги ва ҳ-к;

е) чет элларга чиқиш эркинлиги;

ё) виждон эркинлиги.

12. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ҳақида.

А. Оила қуриш ҳуқуқи.

Б. Уй-жойли бўлиш ҳуқуқи.

В. Ер-мулкни бўлиш ҳуқуқи.

Г. Кичик корхоналар очиш ҳуқуқи.

Д. Фермерлик ҳуқуқи.

Е. Мерос ва мерос қолдириш ҳуқуқи.

Ё. Меҳнат қилиш ҳуқуқи.

Ж. Билим олиш ҳуқуқи.

З. Даволаниш ҳуқуқи ва ҳоказолар.

13. Давлатчилик тушунчалари ва давлат шакллари ҳақида.

А. Кулдорлик давлати.

Б. Феодалistik давлат.

В. Капиталистик давлат.

Г. Социалистик давлат.

14. Давлатнинг сиёсий шакллари.

А. Монархияга асосланган давлатлар.

Б. Олигархияга асосланган давлатлар.

В. Республика (демократия) га асосланган давлатлар.

Шу турдаги давлатлардан биронтасининг номини мисол тариқасида ёзиб қўйилса яна яхши.

Тарих хонасининг деворлари тепасига, аввало, Президентимиз асарларидан олинган цитаталар, ҳикматли сўзлар, машҳур кишиларнинг қимматли насиҳатларидан чиройли қилиб ёздириб қўйиш тавсия этилади.



## ДАРСЛАРДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН КЎРГАЗМАЛИ ҚУРОЛЛАР ҲАҚИДА

Бундай кўргазмали қурооллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Турли тематик хариталар.
2. Дарсликлар.
3. Турли тарихий расмлар ва портретлар.
4. Турли плакатлар.
5. Расмли альбомлар.
6. Тематик атлас-хариталар.
7. Контурли хариталар.
8. Машхур кишилар ҳамда сиёсий арбобларнинг турли мазмундаги фикрларидан намуналар.
9. Турли қўшимча адабиётлар ва қўлланмалар.
10. Турли техника воситалари.
11. Мактаб музейидан вақтинчага олинган турли материаллар.
12. Кўрсаткич таёқчалар.
13. Электрон таблолар.
14. Турли схемалар, жадваллар.
15. Электрон ҳисоблаш техникасидан намуналар
16. Тарих хонасидаги турли стендлардан фойдаланиб ҳам дарс ўтиш мумкин.

Тарих фани хонасида қуйидаги бурчакларни ташкил этиш тавсия қилинади:

1. *Методик (услубий) бурчак.* Бунда мавжуд дарсликлардан намуналар, услубий қўлланмалар, услубиятга оид мақолалар қўйилган бўлади.

2. *Ҳуқуқ бурчаги,* бу бурчакда турли конституциялардан, тегишли кодекслардан кўчирма, ҳуқуққа доир адабиётлар, альбомлар, мақолалар, рефератлар қўйилган бўлади. Асл нусхаси топилмаса, суратлари ҳам қўйилиши мумкин.

3. *Сиёсий бурчак.* Бу бурчак республика олий органларининг мажлислари - сессияларида қабул қилинган таълимга доир қонунлар, қарорлар, Президент фармонлари, шунингдек, иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга оид

ҳужжатлар қўйилади. Ушбу мавзуга оид турли рефератлар, мақолалар ҳам қўйилиши мумкин.

4. *Техника бурчаги.* Бу бурчақда тарих дарсларида ишлатиладиган турли хил техник воситалар, чунончи, кодаскоп, эпидоскоп, ЛЭТИ, шунингдек, тарихга оид диафильмлар, кино, телевизор, магнитофон тасмалари қўйилади. Буларни танлашда тарих ва жамиятшунослик дарсларини ўтишда зарурлигига эътибор берилади.

5. *Музей бурчаги.* Бу ота-боболаримиз фойдаланган турли тарихий буюмлар, кийим-кечаклар, қурол-аслаҳалар, танга-чақа ва қоғоз пуллардан намуналар қўйилади. Агарда мактабда махсус музей ташкил қилинган бўлса, тарих хонасида бундай бурчаққа ҳожат бўлмайди.

6. *Кутубхона бурчаги.* Бундай бурчаққа ўқувчилар томонидан тўпланган ва бошқа тилларда битилган ёки босилган қадимий китоблар, айрим тарихий романлар тартиб билан қўйилади. Бу бурчақ алоҳида синф учун кутубхонача бўлиб қолиши ҳам мумкин. Кутубхоначи тайинланади.

7. *Хариталар бурчаги.* Бу бурчақка, асосан, тарихга доир тематик хариталар таҳлами қўйилади. Хариталарнинг алоҳида рўйхати тузилади ва улар рақамланиб, тартиби билан таҳлаб қўйилади. Таҳламдаги ҳар бир хаританинг номи унинг тепа томонига ёзиб қўйилади. Хариталарнинг умумий рўйхати тузилиб, кўринарли жойга илиб қўйилади ёки харита таҳланган жавоннинг юзасига ёпиштириб қўйилади.

8. *Умумий бурчақ.* Бу бурчақка қўлда тайёрланган махсус қуроллар, ҳар хил плакатлар, атласлар, контур хариталар, шунингдек ясама альбомлар қўйилади. Буларни кўриб қизиққан ўқувчилар шундай ишларга ўзларида рағбат пайдо қилишлари учун ушбу бурчақ очик ҳолда бўлиши ҳам мумкин. Бошқа турли бурчақлар ва уларга қўйилган нарсалар, албатта, беркитиладиган жойларда сақланиши лозим. Бунинг учун махсус хонага алоҳида жавон (шкаф)лар қўйилади, деворларга махсус ишланган стендлардан фойдаланилади.

Тарих хонасида ўқувчиларни баҳолаш мезони куйидаги тартибда ёзилиб, илиб куйилиши керак.

Масалан:

1. Жавоб бериш учун чақирилган ўқувчи агарда ўтилган мавзуни атрофлича тўлиқ билса, кўшимча саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб берган бўлса, шунингдек, харитадан сўралган жойни тезда кўрсата олса ва камида битта ахборот - янгилик айтса, бундай ўқувчига «5» (аъло) баҳо кўйилади.

2. Ўтилган мавзуни яхши билса-ю, кўшимча саволларга ноаниқроқ жавоб берса, харитадан маълум жойни қийналиброқ кўрсатса, шунингдек, бирон янги ахборот айта олмаса, бундай ўқувчига «4» (яхши) баҳо кўйилади.

3. Ўтилган мавзунинг қоидаларини билса-ю, аммо умумий билими саёз бўлса, харитадан жойни қийналиб кўрсатган бўлса, шунингдек, саволларни ечишда қийналса ва бирон янги ахборот айта олмаса, бундай ўқувчига «3» (қониқарли) баҳо кўйилади.

4. Бордию, ўтилган мавзуни умуман билмаса, кўшимча саволларга бутунлай жавоб бера олмаса ва ахборотдан бирор янгилик айта олмаса, харитадан кўрсата олмаса, бундай ўқувчига «2» (қониқарсиз) баҳо кўйилади.

5. Ўқувчи доскага чақирилганда, чиқиб жавоб беришдан бош тортса, ёки, умуман, бирон тушунчага эга бўлмаса, бундай ўқувчига «1» (ёмон) баҳо кўйилади.

Баҳолар бир вақтнинг ўзида синф журнаliga ва ўқувчининг кундалик дафтарига ҳам кўйилиб имзо чекилади.

## ХОТИМА ЎРНИДА

Биз ушбу рисолада ўз касбининг фидойиси Каримжон Исмоиловнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини қисқача ёритиш билан бирга умумтаълим мактабларида тарих дарсини ўтишда узоқ йиллар қўллаб келган тажрибалардан ёш муаллимларни хабардор қилишга уриндик. Ҳукуматимиз, шахсан Президентимиз Ислон Каримов мамлакатимизда умумий таълимни ривожлантиришга, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу соҳада умумжаҳон тарихи, хусусан, Ватанимиз тарихини ўқитиш алоҳида аҳамият касб этади.

Педагоглик касбини танлаб, халқ таълими даргоҳига эндигина қадам босган, ёш тарихчи ўқитувчиларга кекса педагог Каримжон Исмоиловнинг мазкур рисолада баён этилган, ҳаёт синовидан ўтган касбий тажрибаларининг андак нафи тегса, муаллиф ўз мақсадига эришган бўлади.

## **ИЛОВАЛАР**

### **ШОГИРДЛАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ**

***Хурматли Каримжон ҳожи Исмоилов!***

Сиз вилоятимизда тарих фанини ўқитишга катта ҳисса қўшмоқдасиз.

Вилоятимизнинг кўпчилик тарих ўқитувчилари Сизни устоз деб биладилар. Тарих фанини ўқитиш бўйича услубингиз барча ўқитувчиларга ўрнақдир.

*Вилоят ўқитувчилар малакасини  
ошириш институти жамоасининг  
табрик хатидан.*

***Хурматли Каримжон ҳожи Исмоилов!***

Сиз ўзингизнинг чуқур билимингиз, ўз касбингизга меҳрингиз билан шогирдларингиз қалбида ўчмас из қолдирдингиз... Узоқ йиллар шаҳардаги тарих ўқитувчиларига қилган оталиғингиз барча маориф ходимларини, катта-кичик педагогларни доимо ҳайратга солади...

Сизнинг инсоний фазилатларингиз туфайли жуда кўп ўқитувчилар ўз касбига меҳр қўйдилар... Аллоҳ ҳаж сафарингизни ўз даргоҳида қабул қилган бўлсин! Сизнинг меҳнатларингиз, педагогик маҳоратингиз олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

*Андижон шаҳар халқ таълими  
бўлимининг табрик хатидан.*

...Каримжон ака Исмоилов муаллимликни ардоқлаган, шу касб орқали обрў-эътибор топган ҳурматли устозлардандир. Яқинда Андижон шаҳар 29-ўрта мактаб жамоаси ва Каримжон аканинг ёру дўстлари унинг 60 ёшга тўлганлигини муборакбод этиб, фахрийликка узатишди. Лекин тажрибали муаллим ўзини мактабдан, ҳамкасб дўстларидан йироқ тутмайди. Ўғит ва маслаҳатлари билан доим уларга кўмак беради.

*«Зиёкор» газетаси, 1993 й. 30 сентябр сони.*

\*\*\*

Халқ таълимининг ривожига муносиб ҳисса қўшган Каримжон ака 60 ёшга тўлди. Умрининг асосий қисмини маорифга, ёш авлодни тарбиялашга бағишлаган заҳматкаш муаллимнинг меҳнатлари беқиёсдир.

*Вилоят халқ таълими бошқармасининг табригидан.*

\*\*\*

### **Андижон шаҳридаги 29-ўрта мактаб муаллими, олий тоифали ўқитувчи Каримжон Исмоилов сувратига чизгилар**

Унинг ўз касбига бўлган эътиқоди шундай: «Ўқитувчиликни ким қандай баҳолайди - билмайман, аммо мен энг фахрли, энг бахтли, энг ҳалол касб деб ҳисоблайман. Шунинг учун бу касбни доимо ардоқлайман ва унга умримнинг охиригача содиқ қоламан... Жуда кўп касбларни билсам-да, мен учун энг олийси ўқитувчилик, тарбиячилик деб ҳисоблайман».

Каримжон аканинг ташкилотчилик қобилиятини ҳисобга олиб, кўпдан-кўп лавозимларга ишга таклиф этганларида ҳамиша рад жавобини бериб келди... Нуқул уни ташаббускор, ўз касбининг устаси деб, тажрибаси ва иш услубини ўрганиш учун тавсия этишади.

Педагогика фанлари номзоди Э. Дадахўжаев: «Каримжон ака 36 йилдан буён ёш авлодга тарих ва жамиятшуносликдан дарс бериб келади. У ҳамиша изланишда. Таълим-тарбиянинг энг мақбул йўлларини қидиради... Домла иш услубининг характерли томони шундаки, у узлуксиз таълим тизимини фундаментал ривожлантириб иш тутди. Натижада тарих дарсларининг

турлари, услублари, тарих хонасини жиҳозлаш, дарсда ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари, кўргазмали қуроллардан фойдаланишни ўзининг ижодий изланишлари асосида такомиллаштириб борди. У тарих дарсларини ўтишда ўзининг услубий мактабини ярата олган уста муаллимдир...



*Домла оила аъзолари даврасида (2004 й.).*

Домланинг таъкидлашича, ўқитувчи ўзини ўқувчилардан ўта юқори қўймай, ўртоқларча тенг, қадрдон суҳбатдошларча муносабатда бўлиб, ўртадаги кўринмас тўсиқни олиб ташлаши лозим. Ушанда ўқувчиларга тўла эркинлик берилади. Ҳар бир ўқувчи ўзининг эркин фикрини айта оладиган бўлади...

Домланинг йигирмадан ортиқ тарихчи ўқитувчи бўлиб етишган шогирдлари бор. Унвонлари ҳам беҳисоб: методист, олий тоифали, аълочи ўқитувчи. Қанийди, ҳар бир ўқитувчи ўз касби ишқида шундай ёниб-куйса, ҳар бир соат дарсни бир асар деб билса.

*И. Эгамназаров.*

*«Андижоннома», 18.9.1993 й.*

## ЯХШИЛИК ҲОСИЛИ

...Каримжон ака Исмоиловнинг ҳаётида меҳр ва гурур билан эспайдиган даврлар кўп бўлган. Утган (1994) йили ўғли Бахтиёржон ва қизлари Шоирахон, Моҳидилхон ва Мушоирахонлар ... оилалари билан янги уйга кўчиб ўтдилар. Маҳалла аҳли Исмоиловлар оиласини «Андижон шахрининг энг намунали оиласи» кўригига тавсия этди. Бу оила шаҳар кўригида ҳам, вилоят кўригида ҳам голиб чиқди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, халқ маорифи аълочиси, халқ таълими фидойиси, меҳнат фахрийси Каримжон ҳожи Исмоилов эндиликда нафақада бўлишига қарамай қадрдон мактабида ҳуқуқ ва одобномадан дарс бермоқда. Маҳалладаги бир қатор намунали ишлар ҳам унинг номи билан боғлиқ... Жамоатчилик маҳаллада шундай инсон, вилоятда эса шундай оила борлигидан фахрланади...

«Андижоннома», 1.1.1995.

\*\*\*

## ЧЕҲРАСИ ОЧИҚ ОДАМЛАР

- Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, ҳожи дада! - деган табрикни Каримжон ҳожи Исмоилов олти фарзанд, 22 неvara-чеваралардан эштади.

Андижон шаҳридаги 29-ўрта мактаб тарих ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Каримжон ҳожи Исмоилов қандай мартабаларга эришган бўлса, фақат ўқитувчилик касби орқасидан етишди. Унинг иш фаолиятига 40 йил тўлди.

...Домланинг кутубхонасида тарихий, маърифий, диний китоблардан тортиб, кундалик газетажурналларгача бор. Бу уйда ҳамма китобхон, барча чевар, уста, пазанда.

...Бугун тўрида фаришталардай бўлиб кўшкбутар мисол Каримжон ҳожи билан Фотимахон ҳожи ая ўлтирибдилар. Каттаю кичик ҳожи даданинг сўзларига қулоқ осадди. Бу сўзлар кўпни кўрган, кўп ўқиган зиёли инсоннинг пурҳикмат дуоларидир.

Яхши дуолару янги йил тилакларига тўлган бу хонадондан кўнглим нурга лим-лим тўлиб қайтдим.

М. Отамирзаева,  
«Андижоннома», 1.1.1996.



**С. Жалилов.**

**«ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ»**

**«Andijon nashriyot-matbaa» OAJ. 2005.**

Муҳаррир:	М. Худоёров
Техник муҳаррир:	М. Мирзакаримова
Мусахҳиҳ:	Н. Тожиматова
Компьютер оператори:	Ҳ. Парпиев

2005 йил 2 февралда босмахонага топширилди. 2005 йил 15 мартда босишга рухсат этилди. Бичими: 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub> Офсет босма. 1,5 шартли б.т.. Адади 500 нусха. Буюртма № 313. Баҳоси шартнома асосида.

**«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» OAJ**  
босмахонасида босилди.  
710000, Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 71.